

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

ЭШБЕКОВА ХОЛИДА МАМАЮСУПОВНА

**ШЎРЧИ ТУМАНИ ОҚТУМШУҚ ҚИШЛОҒИ АТРОФИ ФЛОРАСИ ВА УЛАРНИ
МАКТАБЛАРДА БОТАНИКА ФАНЛАРИДА ҚЎЛЛАШ**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
Б.ф.д., проф.б.в. Б.О.Бекназаров**

ТОШКЕНТ – 2012

Мундарижа

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ШЎРЧИ ТУМАНИ ОҚТУМШУҚ ҚИШЛОҒИНИНГ ФИЗИК-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	6
1.1 Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғининг физик-географик иқлим шароити.....	6
II-БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ	
2.1 Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар рўйхати.....	8
2.2 Шўрчи тумани Оқ тумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг ботаник тавсифи.....	11
II-БОБ. ШЎРЧИ ТУМАНИ ОҚТУМШУҚ ҚИШЛОҒИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	32
IV-БОБ. ЎРГАНИЛГАН ЎСИМЛИКЛАРНИ МАКТАБЛАРДА БОТАНИКА ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАШ.....	34
ХУЛОСАЛАР.....	36
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	37

Кириш

Ўсимликлар табиатида жуда кенг тарқалган. Уларни қуруқликда, чучук ва шўр сувларда ҳамма Арктика ва Антрактидада ҳам учратиш мумкин. Ўсимликлар ер юзида кенг тарқалганлигидан ташқари улар ниҳоятда турлитумандир.

Ер юзида маълум даврларда яшаб, бугунги кунда батамом йўқолиб кетган, ҳозир мавжуд бўлган аниқланган ва янги топилаётганларини қўшиб ҳисоблаганда ўсимликлар дунёси 500.000 дан ортиқ турни ташкил этади.

Бугунги кунда ботаника сертармоқли фанлардан бирига айланган. Унинг вазифаси чўл, дашт, ўтлоқ ва ўрмонларни ташкил этган, ўсимликлар жамоаларини ҳамда уларнинг таркибига кирган айрим турларни ўрганишдан иборат.

Ўсимликларни тузилиши, ўсиши ва ривожланиши, ташқи муҳит билан муносабатлари, ер юзида тарқалиши ва тақсимланиши қонуниятлари ўсимликлар оламининг келиб чиқиши ва эволюцияси, уларнинг турлитуманлиги ва таснифи, хўжалик нуқтаи-назариясидан аҳамиятга эга бўлган қимматли турларининг табиий захиралари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари, ем-хашак, доривор, мева ўсимликлари, сабзавот, техника экинларини ва бошқа турларини маъданийлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Ботаника фани олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ҳозирги вақтда инсониятнинг яшаб қолиши ва унинг келажаги асосан ўсимликлар дунёсига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки, у инсон учун фақат озиқ, бошпана, дори-дармон берибгина қолмай, балки аҳоли яшайдиган табиий муҳитнинг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Ўсимликлар оламида баъзи тур ўсимликлар ер юзининг ҳамма қисмида тарқалган, бошқалари эса маълум шароитдагина учрайди. Маълум ҳудудда кенг тарқалган ўсимликлардан торондошлар, шўрадошлар оилалари вакиллари мисол қилиб олсак бўлади. Биз оилаларни баъзи туркумларини чўл минтақаларида, тузли, жипсли, оҳақ тошли, қум барҳонларида учратиш

мумкин. Бу ўсимликларнинг аҳамияти ниҳоятда катта масалан: чўл минтақаларида қандим, саксауул, чўғон, буюрғун, турли шўралар кўчма кумларни мустаҳкамлайди, кум барҳонларини кўчишига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари бу ўсимликлар чорва моллари ва бошқа ҳайвонлар учун озуқа манбаи ҳисобланади.

Менинг малакавий битирув ишим учун мавзу қилиб, Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларни ҳар томонлама ўрганишда мактабларда ҳамда факультатив машғулотларни ташкил қилишда қишлоғимиз флорасини ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Кузатишнинг мақсади:

Асосий мақсадимиз Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи ўсимликлари (флораси) ни ҳар томонлама ўрганиб уларни ҳисоб китобини (инвертаризациясини) ўтказишдан иборатдир.

Текширишнинг материали ва методи:

Материаллар асосан 2010-2011 йил сентябр-октябр ойида малакавий битирув ишида амалиёти вақтида йиғилган шахсий гербарийлардан ҳамда “Ботаника ва ўсимликлар физиологияси” кафедрасида сақланаётган гербарий материалларидан фойдаланилди.

Вазифамизга қўйидагиларни киритдик:

Ишнинг вазифаси:

- Гербарий материалларини тўплаш, оила, туркум, турларни аниқлаш;
- Мавжуд ўсимликларини рўйхатини тузиш;
- Ҳар бир оилага мансуб туркум, турларга ботаник тавсиф бериш;
- Ўрганилган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганишдан иборат;
- Гербарий йиғиш, қуриштириш ва этикеткалаш умумий қабул қилинган қоидалар бўйича олиб борилди;

Тадқиқотнинг илмий услублари:

- Ўсимлик турларини аниқлаш учун рус ва ўзбек тилида ёзилган аниқлагичлар ва “Флора Узбекистана” 6 томли китоблардан фойдаланилди;
- Турларнинг латинча номлари “Определитель растений Средней Азии” 10 томли китоб, ҳамда Черепанов маълумотлари бўйича берилди;
- Ҳаётий шакллар бўйича ва амалий аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлиш учун илмий адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

I-БОБ. ШҶРЧИ ТУМАНИ ОҚТУМШУҚ ҚИШЛОВИНИНГ ФИЗИК-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

1.1 ШҶрчи тумани Оқтумшук қишлоғининг физик-географик иқлим шароити

Сурхондарё вилоятидаги туман. 1935 йил 9 февралда ташкил этилган. Шимолдан Олтинсой, Девон, жанубдан ва ғарбдан Қумқўрғон, шарқдан Узун туманлари билан чегарадош. Майдони 0,85 минг км. Аҳолиси 152,3 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (ШҶрчи), 1 шаҳарча (Элбаён бекати), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бахтлитепа, Далварзин, Жалойир, Кичик Савур, Охунбобоев, Оқтумшук, Саҳибкор, ШҶрчи, Элобод, Янгибозор) бор. Тумани маркази – ШҶрчи шаҳарчаси.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик ва адирлардан иборат. Ўртача баландлиги 400-700 м. Туман ҳудуди ўртасидан Сурхондарё оқиб ўтади (туман ҳудудидаги узунлиги 25 км). Дарё қарида мавжуд бўлган Оқтумшук, Шалдирок каби тўқайлар қуритилиб, деҳқончилик учун ўзлаштирилди. Туманнинг жанубий ғарбида жанубий Сурхон, шимол шарқида Дегрес сув омборлари қурилган. Баҳорда Боботоғдан мавсумий оқимга эга бўлган Файзова, Хўжа кулсин, Арғамчи сойлари оқиб тушади. Бойсун тоғларидан оқиб тушадиган ҳалқажар дарёси кичик шаршаралар ҳосил қилган. Боботоғнинг адир ва тоғ зонасида нефт, газ ва фосфорит конлари топилган. Иқлими қуруқ, типис-субтропик иқлим. Йиллик ўртача температураси 15 С⁰, январ ойиники 2,6 С⁰. Энг паст темтература 25 С⁰. Июлнинг ўртача температураси 29 С⁰, энг юқори температура 46 С⁰. Йилига 240-260 мм ёғин тушади. Вегетация даври 230 кун. Баъзан кучли шамоллар эсади. Тупроғи ўтлоқи ва бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шувок, шўра, янтоқ, писта, тоғ райҳони, дўлана, равоч, алқов ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, жайрон, каламуш, қўшоёқ, юмрон қозик, кўр сичқон, жайра; тўқайларда тўқай мушуги, қобон, чиябўри; қушлардан: майна, сўпитўрғай, каклик, кўршапалак, ғоз, ўрдак, турна; судралувчилардан ўқ илон, геккон, кўзойнакли илон ва бошқалар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар шунингдек, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км га 179,2 киши (2004).

II-БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар рўйхати

Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар ўрганиш асосида қуйидаги жадвалда рўйхатини келтирамиз.

Жадвал-1

Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар рўйхати

№	Оила	Туркум	Тур	Ҳаётий шакли
1.	Cupressaceae- Сарвдошлар	Juniperus- Арча	Juniperus turkestanica- Туркистон арчаси	Дарахт
2.	Berberidaceae- Зиркдошлар	Berberis Зирк	Berberis integerrima- Қизил зирк	Бута
3.	Amaranthaceae Гултожихўроздошлар	Amaranthus Гултожихўроз	Amaranthus reteo flexus- Қайрилган гултожихўроз	Бир йиллик ўт
4.	Chenopodiaceae Шўрадошлар	Chenopodium- Шўра	Chenopodium album Оқ шўра	Бир йиллик ўт
5.	Polygonaceae Торондошлар	Atrappaxis Туясингрэн	Atrappaxis virgata Чивиксимон туясингрэн	Кўп йиллик ўт
		Rumex Отқулоқ	Rumex sanglomeratus Қизғиш отқулоқ	Кўп йиллик ўт
		Rumex Ровоч	Rheum maximowiczii- Максимович ровочи	Кўп йиллик ўт
6.	Platanaceae Чинордошлар	Platanus Чинор	Platanus arintalis Шарқ чинори	Дарахт

7.	Juglandaceae Ёнғокдошлар	Juglans Ёнғок	Juglans regia оддий ёнғок	Дарахт
8.	Hypericaceae Далачойдошлар	Hypericum Далачой	Hypericum perforatum Тешик чойўт	Кўп йиллик ўт
9.	Salicaceae Толдошлар	Salix Тол	Salix alba Оқ тол	Дарахт
		Populus Терак	Salix nigra Қора тол	Дарахт
			Populus alba Оқ терак	
10.	Tamaricaceae Юлғундошлар	Tamarix Юлғун	Tamarix arcenthoides Арчасимон юлғун	Бута
11.	Brassicaceae Карамдошлар	Sisymbrium Қуртана	Sisymbrium loesilii Лезел қуртана	Бир йиллик ўт
		Cardaria Болтирик	Cardaria repens Ўрмаловчи болтирик	Кўп йиллик ўт
12.	Malvaceae Гулхайридошлар	Malva Тугмачагул	Malva silvestris Ўрмон тугмачагул	Бир йиллик ўт
		Althaea- Гулхайри	Althaea officinalis- Доривор гулхайри	Кўп йиллик ўт
		Abutilon Дағал каноп	Abutilon theophrasti Теофраст дағалканопи	Бир йиллик ўт
13.	Ulmaceae Қайрағочдошлар	Ulmus Қайрағоч	Ulmus densa Сада қайрағоч	Дарахт
14.	Moraceae Тутдошлар	Morus Тут	Morus alba - Оқ тут	Дарахт
15.	Urticaceae Газандадошлар	Urtica Газанда	Urtica diaca Икки уйли газанда	Кўп йиллик ўт
16.	Thymeliaceae	Dianthron	Dianthron	

	Келинсупургидошлар	Келинсупурги	vesiculosum- Пуфакли келинсупурги	Бир йиллик ўт
17.	Rosaceae Раънодошлар	Rosa Наъматак	Rosa canina Итбурун наъматак	Бута
		Potentilla Ғозпанжа	Potentilla asiatica Осиё ғозпанжа	Кўп йиллик ўт
		Amygdalus Бодом	Amygdalus vulgaris Оддий бодом	Бута
18.	Fabaceae Бурчокдошлар	Cleditschia Тикандарахт.	Cleditschia triacanthus Тикандарахт.	Дарахт
		Alhagi Янтоқ.	Alhagi psendalhagi Сохта янтоқ.	Кўп йиллик ўт
		Trifolium Себарга.	Trifolium repens Ўрмаловчи себарга.	Икки йиллик ўт
		Melilotus Қашқарбеда	Melilotus officinosis Сарик қашқарбеда	Икки йиллик ўт
19.	Anacardiaceae Пистадошлар	Pistacia Писта	Pistacia vera Хандон писта	Дарахт
20.	Rhamnaceae Чилонжийдадошлар	Ziziphus Чилонжийда	Ziziphus-jujuba Жумрутнамо чилонжийда	Дарахт
21.	Elaeagnaceae- Жийдадошлар	Elaeagnus- Жийда	Elaeagnus argentea- Ингичкабарг жийда	Дарахт
22.	Asteraceae Қоқиўтдошлар	Inula Андиз	Inula grandis Сарик андиз	Кўп йиллик ўт
		Tussilago Оққалдирмоқ	Tussilago farfara Оддий оққалдирмоқ	Кўп йиллик ўт
		Centaurea Бўтакўз	Centaurea cyanea Ўйик бўтакўз	Кўп йиллик ўт
23.	Convolvulaceae	Convolvulus-	Convolvulus	Кўп йиллик

	Печакдошлар	Печак	arvensis- Дала печаги	ўт
24.	Plantaginaceae Зубтурумдошлар	Plantago- Зубтурум	Plantago major- Йирик барг зубтурум	Кўп йиллик ўт
25.	Lamiaceae Ялпиздошлар	Ziziphora Кийикўт	Ziziphora tenuior Нафис кийикўти.	Бир йиллик ўт
		Mentha Ялпиз	Mentha asiatica Осиё ялпиз.	Кўп йиллик ўт
		Origanum Тоғрайхон	Origanum tythanthum Майдагул тоғрайхон	Кўп йиллик ўт
26.	Poaceae Буғдойдошлар	Dactylis Оқсўхта	Dactylic glomerata Тиғизоксўхта	Кўп йиллик ўт
		Agrostis Агростис	Agrostis gigantean Дев агростис	Кўп йиллик ўт

2.2 Шўрчи тумани Оқ тумшук қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг ботаник тавсифи

Оила - Cupressaceae - Сарвдошлар

Туркум - Juniperus L - Арча

Тур - Juniperus turkistanica - Туркистон арчаси

Сарвдошлар оиласига 19 та туркум 130 га яқин тур кирази. Оила вакиллари бир ёки икки уйли дарахт ва буталар бўлиб, уларда смола йўллари бўлмайди. Барглари нинасимон ёки тангасимон, навдада қарама-қарши ёки ҳалқасимон ўрнашган. Эркаклик (чангчи) куббалари яқка ҳолда бўлиб, микроспорафиллари қалқонсимон, микроспорангилари 2-6 та эркаклик гаметофити редукцияланган. Урғочи (уруғчи) куббасида қоплагич тангача барг ва уруғ тангачаси қўшилиб, ўсиб биттага айланган. Қоплагич тангача барги ёғочланган ёки юмшоқ этлидир.

Juniperus L – Арча туркумига 14 та тур кирази. Шундан 3 та тури Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида тарқалган.

Juniperus turkistanica - Туркистон арчаси ёки ўрис арча бўйи 18 м гача борадиган дарахт. Меваси етилганда қорамтир-қўнғир. Тоғ зонасида (2000-3000 м) баландликда майда ва чағир тошли ёнбағрларида ўсади.

Оила – *Berberidaceae* – Зиркдошлар

Туркум – *Berberis* L. – Зирк

Тур – *B. Integerrima* Rgl. - Қизил зирк

Berberidaceae – Зиркдошлар оиласига 14 туркумга мансуб 650 тага яқин тур киради. Ўзбекистонда 3 туркумга оид 8 та тури ўсади. Зирклар асосан субтропик ва мўтадил иқлимли минтақаларда кенг тарқалган.

Зирк барглари оддий ва мураккаб бўлади. Гуллари икки жинсли, гулкоса ва гултожи барглари 6 тадан чангчиси ҳам 6 та. Зирклар таркибида берберин алкалоиди. Шунингдек, зирк таркибида сапонинлар, органик кислоталир, қанд ва бўёқ моддаси бўлади.

B. integerrima Regel - Қизил зирк бута ўсимлик бўлиб, бўйи 4 м гача май-июн ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси пишади. Тоғ зонасидаги майин тупроқли қияликлар сой-дарё соҳилларида ўсади. (1 расм)

Оила – *Amaranthaceae* - Гултожихўроздошлар

Туркум – *Amaranthus* L. – Гултожихўроз

Тур – *A. retiflexus* L. - Қайрилган гултожихўроз

Гултожихўроздошлар оиласига 65 туркум, 850 турга яқин бир йиллик, кўп йиллик ўтлар ёки чала буталар киради. Ўзбекистонда икки туркумга оид 10 та тури учрайди. Уларнинг пояси тик ёки ер бағирлаб ўсади. Барглари оддий, бандли, кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашган, ён баргчасиз. Гуллар бир жинсли ёки икки жинсли, майда, яшил ёки рангсиз. Чангчилари 3-5 та, баъзан тагига бирикиб тугунчани ўраб олади. Тугунчаси устки меваси бир ёки кўп уруғли кўсакча.

Бу оила вакиллари тропик ва субтропик мамлакатларда кенг тарқалган. Перуда-гултожихўрозлар донли экин сифатида экилади.

Amaranthus retrofractus L. - Қайрилган гултожихўроз ёввойи гултожихўроз, эшакшўро. Бир йиллик ўт. Бўйи 20-75 см. Пояси ва кулранг – яшил, майда тукли.

Июн-июл ойларида гуллаб, июл-октябр ойларида уруғлайди. Шаҳар кўчалари, ариқлар бўйи, боғ ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Оила – *Chenopodiaceae* - Шўradoшлар

Туркум – *Chenopodium* L. -Шўра

Тур – *Ch. album* L. - Оқ шўра

Chenopodiaceae – Шўradoшлар оиласига бир йиллик, икки йиллик, кўп йиллик, ярим бута, бута ва кичик дарахтлар киради. Оила вакиллариининг барглари оддий, кетма-кет, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда кўримсиз.

Гулкўрғони оддий. 5 бўлакли, чангчилари ҳам 5 тадан, уруғчиси 2-5 мевачи барглардан иборат. Шўradoшларга мансуб ўсимликлар асосан чўл ва ярим чўлларда ўсади. Бу оилага 110 га яқин туркум ва 1600 тур киради. Ўзбекистонда бу оилага мансуб 176 тури ўсади.

Ch. album L. - Оқ шўра бир йиллик ўт бўйи 10-100 см. Пояси тик ўсади шохланган. Барглари бандли, иккала тоиони кулранг ғуборли. Баргнинг шакли ҳар хил четлари тишли ёки текис.

Гулкўрғон барглари 5 бўлакли. Мева пўсти сариқ, уруғи радиал чизиқли, ялтироқ, қора. Июл-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Боғ ва экинзорлар, йўл ёқаларида ўсади.

Оила – *Polygonaceae* - Торондошлар

Туркум – *Rumex* L. - Откулоқ

Тур – *R. conglomeratus* Murr. – Қизғиш откулоқ

Торондошлар оиласига кўп йиллик, бир йиллик, бута, ярим бута баъзан дарахтлар киради. Гуллари актиноморф, гулкўрғон барглари 3-6 та

чангчилари 5 тадан 9 тагача, уруғчиси 2-3 баъзан 4 мева баргли. Меваси ёнғокча.

Бу оилага 35 га яқин туркум, 100 тур киради.

Ўзбекистонда 7 туркумга мансуб 120 та тури ўсади.

R. canglomeratus Murr. – Қизиш отқулоқ кўп йиллик ўт. Бўйи 50-100 см. Пояси қизғиш, тарвақайлаб шохланган. Май-июн ойларида гуллаб, июн-июлда уруғлайди. Дарё ва ариқ бўйлари. Ботқоқликлар, йўл ёқалар ҳамда экинзорлар четида бегона ўт сифатида ўсади. Бу ўсимликнинг ҳамма қисмлари ўзига хос нордон мазали, ер устки қисмлар ўрнида ҳам ишлатиш мумкин.

Халқ табobatiда бу ўсимликнинг гуллари, уруғлар, барглари, илдизлари ва янги олинган сувидан фойдаланилади. Ибн Сино бу ўсимликдан ич кетарга даво қилишда ишлатган. Уруғларини сув ёки мусаллас билан ичилса ичакдаги яралар ҳамда ичсуришда даво қилишда, шаропга солиб дамланган уруғлари эса сийдик тошларини майдалайди.

Туркум – *Atraphaxis* L. - Туясингрэн

Тур – *A. virgata* Krassn.- Чивиксимон туясингрэн

A. virgata Krassn. - Чивиксимон туясингрэн тарвақайлаб шохланган, тикансиз бута ёки бутача. Навдалари ингичка, чивиксивон, роваксимон, шохланган. Барглари 12-30 мм, эни 5-12 мм, чизик эллипссимон.

Тўп гули шохчалар ичида ўрнашган. Узун гуллари сийрак. Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ёнбағирлари ва қуруқ ўзанларда ўсади.

Туркум – *Rheum* L.- Ровоч

Тур – *Rh. maximowiczii* Losinsk. - Максимович ровочи

Максимович ровочи кўп йиллик ўт. Бўйи 40-100 см. Пояси дағал, туби зангсимон қўнғир, барг қини билан ўралган. Барглари фақат илдиз олдида жойлашган. Барглари пластинкаси бутун, устида ортиқлар бор; узунлиги 40-

50 см, эни 20-60 см. Тоғ ён бағирларида ўсади. Май-июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Илдизи тери ошлашда ишлатилади.

Ибн Сино фикрига қараганда равоч бачадондан қон кетаётган маҳалда, астма касаллиги, ичак яллиғланиши, буйрак, қовуқ касалликларида, анча наф беради.

Унинг шифобахшлик хислатлари уни ёйса бадандаги зарарли рутубатларни қуруқ айлантиради. Ичак аъзоларини тозалайди; равочнинг чама препаратлари ўт (сафро) ажратишни кучайтириб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Оила – Platanaceae - Чинордошлар

Туркум – Platanus L. - Чинор

Тур – P. orientalis L. - Шарқ чинори

Чинордошлар оиласига бир туркум, 10 та тур киради. Улар шимолий-Америка, Канада, Мексика, Ўрта Ер денгизи бўйлари, Ғарбий Ҳималай, Ҳинди-Хитой, Балқон ярим ороли ва Ўрта Осиёда тарқалган.

P. orientalis L. - Шарқ чинори манзарали ўсимлик сифатида кўчаларда боғларда ўзига хос кўрк бериб туради. Чинор сер барг ўсимлик, баргида ён баргчалари бўлади. Куртагидан дастлаб барг чиқаради, кейин гулга киради.

Гуллари бир жинсли. Чангчи гули сарғичи дошчада, уруғчи гули қизил бошчада ҳосил бўлади. Шамол воситасида чангланади. Чангчилари 3-4, баъзан 7 тагача бўлади.

Уруғчи гуллари 5-9 та, мевачи баргларнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Чинорлар 2000 йилча умр кўради. Табиатда 500, 1000 йил яшаган чинорлар учрайди.

Туркия (Истанбул) яқинида танасининг айланаси 18 м келадиган чинорни учратиш мумкин. Сурхондарё вилояти Бойсун туманига қарашли Сайрам қишлоғидаги чинорнинг танаси қавагида мактаб ташкил этиб, унда болалар таълим олишган. Чинор ёғочи қимматли қурилиш материали ҳисобланади, у мустаҳкамлиги жиҳатидан ёнғоқ ёғочидан қолишмайди.

Шарқ чинори Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган.

Оила – Juglandaceae - Ёнғоқдошлар

Туркум - Juglans L. - Ёнғоқ

Тур – J. regia L. - Оддий ёнғоқ

Juglandaceae – Ёнғоқдошлар оиласига 7 та туркумга мансуб 60 та тур киради.

Асосан Евро Осиё ва Америкада тарқалган. Гуллари айрим жинсли. Чангчилари кучаласимон, тўпгулда жойлашган. Уруғчиси иккита мевачи, баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки, меваси-ёнғоқ мева. Барглари тоқ, патсимон, мураккаб, эфир мой чиқаруви бошчалардан иборат.

Ёнғоқ Пеком, Угом, Чотқол, Хисор тизмаларида кенг тарқалган.

Ўрта Осиёнинг жанубий томонларида ёввойи ҳолда ўсади..

Халқ табobatiда ёнғоқнинг гуллари, барглари етилмаган ёки ғўралари, меваларининг пўстлари, етилмаган ёш ғўралар, ёнғоқ пўчоғи, мағзи, мағзининг орасида бўладиган тўсиқлари ва мойидан фойдаланилади.

Ёнғоқнинг ғўрасидан тайёрланадиган мураббо гипертанил, қандли диабетга даъво бўлади, ғўрасининг ўзини кам қонликда, мағзининг орасидаги тўсиқларидан тайёрланган дамламани диспенция, сурункали калид, гипертания, қандли диабетда; янги узиб олинган баргларининг сувини яллиғланишга қарши сиртга қўшиш учун буюрилади.

Янчилган ёнғоқ мағзини асалга аралаштириб бериш халқ табobatiда қадимдан расм бўлган, ёнғоқ мойи эса сийдик, тош касаллигида пайдо бўладиган шишларга ҳам ишлатилади.

Ёнғоқнинг ёғочидан қимматбаҳо буюмлар тайёрланган. Меваси мағзида 75 % ёғ, пўстида ошловчи моддалар мавжуд. (2 расм)

Оила – Hypericaceae -Далачойдошлар

Туркум – *Hypericum L.*-Далачой, чойўт

Тур – *H. perforatum L.*- Тешик чойўт, далачой

Далачойдошлар оиласига 9 туркум, 400 дан ортиқ тур киради. Оила вакиллари асосан тропик ва субтропик ҳудудларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда 3 тури ўсади.

H. perforatum L., *Hypericum scabrum L.* кенг тарқалган. Барглари оддий наштарсимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки жинсли актиморф, гулкосачабарги бешта қўшилиб ўсади. Гултожбарги 5 та эркин жойлашган. Чангчилари чексиз, уруғчиси 3 та, мевачи баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Меваси кўсакча.

H. perforatum L. - Тешик чойўт, далачой кўп йиллик ўт. Бўйи 30-35 см. Илдизи ёғочланган. Пояси ва шохлари силлиқ. Барглари чўзиқ-тухумсимон, 10-17 мм. Тўпгули қалқонсимон ёки думалоқ-тухумсимон, кўп гулли. Июль-Сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғларнинг сернам ерлари, ариқ бўйларида ўсади.

Халқ табobatiда – далачой ўтидан буйрак, юрак, меъда – ичак йўллари касалликлари, сил, гепатит, истерил, оғиз бўшлиғи ялиғланишига қарши буриштирадиган, тонусли кучайтирадиган ва антисептик восита сифатида, шунингдек қон кетишини тўхтадиган дори сифатида ишлатилади.

Далачой ўтидан Абу Али Ибн Сино жароҳатлар битишини тезлаштирадиган, оғриқни қолдирадиган даъво бўладиган дори сифатида фойдаланган.

Оила – *Salicaceae* - Толдошлар

Туркум – *Salix.L* - Тол

Тур – *S. alba L.* - Оқ тол

Толдошлар оиласига 3 туркумга мансуб, 400-420 тур киради. Улар дарё бўйларида, тўқайларда, ариқлар қирғоқларда ўсади. Бу оилага мансуб ўсимликлар қишда баргни тўкиб туради. Оиланинг энг кенг тарқалган туркумлари тол – *Salix L.* 350-370 турни ўз ичига олади, терак – *Populus L.* 50-

60 турни ўз ичига олади. Улар дарахт ва буталардан ташкил топган. Барглари оддий бутун. Гуллари бир жинсли, икки уйли. Гуқўргони йўқ.

Толларда чангчилари 2 та, теракларда 6-40 та, уруғчиси 2 та мевачи баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Меваси ценокарп.

Salix L. – Оқ тол. Бўйи 10-15 метрли дарахт. Барглари йирик ингичка, ланцетсимон, ўткир учли, чети майда, арра тишли, устки тамони тўқ яшил, ости кул ранг, ҳар иккала томони тукли. Кучаласи барглари билан бир вақтда ҳосил бўлади. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Ёввойи ҳолда дарёлар бўйида ўсади. Манзарали дарахт сифатида кўп экилади.

S. sexcelosa S.G. Gmel. – қора тол. Дарахт новдалари қўнғир-қизғиш, туксиз. Барглари тескари – ланцетсимон, чети арратишли, туксиз. Кучала барглари билан бир вақтда униб чиқади. Апрель- май ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ўсимлик сифатида ва хўжалик эҳтиёжлари учун экилади.

Туркум – *Populus L.* - Терак

Тур – *P. alba L.* – Оқ терак

P. alba L. – Оқ терак бўйи 15-20 м ли дарахт. Ёўғонлиги 1-2,5 м сершоҳ дарахт. Шоҳ-шаббаси ёйиқ ёки пирамидасимон. Барглари 3-5 нотекис бўлакларга бўлинган. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинадиган ўсимлик сифатида экилади. Барглари оддий, тухумсимон, четлари тишсимон, ости пўкаксимон оқ туклар билан қопланган. Юзаси силлиқ тўқ яшил асосан икки уйли, баъзан бир уйли. Кучалалари барг ёзгунча ҳосил бўлиб, жуда тез тушиб кетади, уруғи майда қанотчали. Оқтерак уруғ, новда қаламчалари, илдиз бачкилари ёрдамида кўпаяди. Тез ўсувчан бўлганлиги сабабли, 10-15 йил ичида йирик дарахт кўринишига эга бўлади. Ёши бир асрлик тераклар Марказий истирохат боғи территориясида ва бошқа жойларда ўсмоқда.

Оила – *Tamaricaceae* - Юлғундошлар

Туркум – *Tamarix* L. - Юлғун

Тур – *T. hispida* Wild. - Сертук юлғун

Tamaricaceae – Юлғундошлар оиласига 2 туркум, 16 тури учрайди. Улар Ўзбекистоннинг чўл минтақасидаги қумли ерларда суви қуриган дарё ва кўл қирғоқларида ҳамда тўқайларда шўрхоқ ерларда учрайди.

T. hispida Wild. - Сертук юлғун бута ўсимлик ёки кичик дарахт. Июл – сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Дарё ва кўллар атрофида ўсади. Кенг тарқалган.

Оила – *Brassicaceae* - Карамдошлар

Туркум – *Sisymbrium* - Қуртана

Тур – *Sisymbrium loeselii* L - Лёзел қуртанаси

Карамдошлар оиласига 380 та туркумга мансуб, 3200 тадан ортиқ тури мавжуд. Улар ер юзида ниҳоятта кенг тарқалган. Ўзбекистонда 5 туркуми, 193 тури ўсади. Ҳарактерли белгиси гуллари креетга ўхшайди. Гулкосачаси 4 та, гултожи 4 та, чангчиси 6 та

Бу оилага мансуб ўсимликларда гликозидлар алколоидлар ва бошқа моддалар бор. Айрим турларида юрак гликозидлари учрайди, уруғида бактерицидлик хусусияти бор.

Sisymbrium loeselii L.- Лёзел қуртанаси. Бир йиллик ўт. Бўйи 20-100 см, гуллари оддий, баъзан тўп гулда апрел-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Боғ ва экинзорлар дарё водийлари, аҳоли яшайдиган жойларда ўсади.

Туркум – *Cardaria* Desf. - Болтирик

Тур – *C. repens* (Schrenk.) Jarm.– Ўрмаловчи болтирик

Cardaria Desf. - Болтирик, *C. repens* (Schrenk.) Jarm.– Ўрмаловчи болтирик. Кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 15-50 см, пояси асосан тик ўсади. Барглари бутун, асперимон, тишли ёки ёйилган тишли. Поянинг пастки қисмидаги барглари тескари ланцетсимон чўзиқ, ўтмас учли, ўрта қисмидагилари чўзинчоқ. Юқоридагилари эса чўзиқ – тухумсимон, туби

билан пояни ўраб қўяди. Тожбарглари оқ, коса баргларига нисбатан икки марта узун. Қўзоқчаси шарсимон, тиғиз. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июлда гуллайди. Чўл-адир ва тоғ худудлардаги ерларда ўсади.

Оила – *Malvaceae* - Гулхайридошлар

Туркум – *Malva* L. - Тугмачагул

Тур – *M. neglecta* Wall. – Бефарқ тугмачагул

Malvaceae – Гулхайридошлар. Оиласига 85 минг тур киради. Ўзбекистонда 6 туркумга мансуб 17 тури ўсади. Гулхайридошларга ўт, бута ва дарахтлар киради. Барглари оддий, қирқилган панжасимон, гуллари икки жинсли. Актиноморф гулкоса ва гултожбарглари 5 тадан, уруғчиси ва чангчиси чексиз. Тугунчаси устки меваси кўп уруғли кўсакча.

Туркум – *Althaea* - Гулхайри

Тур – *A. officinalis* L. - Доривор гулхайри

Доривор гулхайри Кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб бўйи 70-150 см. Пояси тик ўсади, бироз шохланган.

Барглари тухумсимон, учбурчак-юраксимон, баъзан 3-5 бўлакли. Июнь-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Тўқайзор ва бошқа нам эрларда ўсади.

Туркум – *Abutilon* Adans. - Дағалканоп

Тур – *A. theophrasti* Medic. - Теофраст дағалканопи

Бир йиллик ўт. Бўйи 50-200см. Барглари йирик, узун бандли, кенг тухумсимон, асоси юраксимон, учи ўткир тумшукчали, майин туклар билан қопланган. Гуллари барг қўлтиғидан узун гулбандларда жойлашган, сариқ. Меваси 15 та мевабаргчадан иборат. Июль- сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Суғориладиган экинлар орасида ўсади.

Оила – *Ulmaceae* - Қайрағочлошлар

Туркум – *Ulmus* L. - Қайрағоч

Тур – *U. densa* Litv.- Сада қайрағоч

Қайрағочлошлар оиласига дарахтлар, баъзан бута ўсимликлар киради. Уларнинг барглари оддий баргли икки қатор бўлиб, навбат билан жойлашган. Кўпчилигининг ён барглари тўкилиб кетади. Гуллари икки жинсли, баъзи ҳолларда бир жинсли тўда-тўда ёки якка бўлади, барг, қўлтиғидан чиқади.

Гулқўрғони оддий, 4-6 та баргчадан иборат, тилимланган ёки бўлакли. Оталиги 4-6 та, тугунчаси устки бир уяли, барг чиқаришдан олдин гуллайди. Меваси ёнғоқча-қанотча, мева ёки данакли мева.

Бу оилага 13 туркумга мансуб 140 турни ўз ичига олади. Улар асосан ер шарининг тропик ва тропик бўлмаган мамлакатларида кенг тарқалган. Ўрта Осиёда 8 та тури учрайди.

Сада қайрағоч – бўйи 10-15 метрга етадиган сершоҳ дарахт ташқи томондан шар ёки эллипс шаклда шохлари тукли барг банди қисқа узунлиги 6-7 мм сийрак тукли барги йирик, узунлиги 3-7 см, эни 1,5-3 см тухумсимон, четлари тишли устки томони туксиз ёки юмшоқ тукли, гули тўда-тўда қисқа наваларда ўрнашган. Гулқайрағоч 4-5 бўлакли. Чангчилари 4 та, мевалари қанотли, катталиги 2см. Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали дарахт сифатида экилади.

Оила – Moraceae – Тутдошлар

Туркум – Morus L. - Тут

Тур – M. alba L. - Оқ тут

Бу оилага доим яшир ёки баргини тўкувчи сут ширали дарахт бута ва ўт ўсимликлар киради. Уларнинг барглари кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашади. Барглари бутун, ўйилган ёки қайчибарг. Тўпгуллари каллаксимон ёк бошоқсимон бўлиб барг қўлтиғида жойлашган. Гуллари айрим жинсли, бир уйли ёки икки уйли.

Гулқўрғони косачасимон 4 бўлакчали, чангчиси 4 та уруғчиси 1 ёки 2 та мевачи баргдан иборат.

Бу оиласига 53 та туркумга мансуб 1400 тур киради. Ўзбекистонда 3 та туркумга мансуб 6 та тури бор.

Оқ тут барги таркибида С, каропин, эфир мойи, микроэлементлар, ошловчи бўёқ ва бошқа моддалар, пўстлоғида тригонелин алколоидлар, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Абу Али Ибн Сино оқ тут баргини ангинага қуритилмаган барг ширасини эса тиш оғриғига даво қилган. Ҳалқ табобатида оқ меваси иситма чиққанда, ичак касалликларида ҳамда қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

Тур – *M. nigra* L. – Шох тут, шотут

Бўйи 7-8 метрли дарахт. Пўсти қизғиш-қўнғир. Пояси қизил, қўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Барги тухумсимон, юраксимон, асосли, ўткир ёки тўмтоқ учли нотекис йирик тишсимон, қиррали ёки бўлакли бўлиб шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари бир жинсли, оталик ва оналик гуллари айрим-айрим кучалага тўпланган. Меваси қора ёки бинафша ранг, сершира мевачалардан ташкил топган тўп мева. Апрель ойида гуллайди. Меваси май-июнда пишади.

Шифобахш, кенг истемол қилинади. Тут дарахти пилачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёғочидан эса саноатда кенг ўринда фойдаланилади. Тут меваларидан шифобахш шинни ва қоқидар тайёрлаш мумкин. (3 расм)

Оила – *Urticaceae* - Газандадошлар

Туркум – *Urtica* L. - Газанда

Тур – *U. dioica* L.- Иккиуйли газанда

Газандадошлар оиласига 45 туркумга мансуб, 850 тага яқин тур киради. Ўзбекистонда 2 туркумга оид 4 та тури ўсади.

Бу оилага икки уйли баъзан бир уйли ўт, айрим дарахт ёки буталар киради. Кўп вакилларда куйдирувчи тукчалар бўлиб, баданни қичитади, шу сабабли қичитқи ўт ҳам деб аталади. барглари қарама-қарши жойлашган, гуллари айрим жинсли, гул қўрғони оддий, рангсиз, 4 та майда қўшилиб

ўсган йки эркин баргчалардан иборат, чангчилари 1-4 та, уруғчиси 1 та мева баргдан иборат. Тугунчаси устки меваси ёнғоқча.

Газанда (чаёнўт) бир жинсли, икки уйли, барглари куйдирибчи тукчали. Кўп йиллик бута 60-100 см баъзан 150 см гача.

Газанда кўп йиллик ўт бўлиб, йўл ёқаларида, экинлар орасида, арик бўйларида ўсади.

Ундан доривор ўсимлик сифатида фойдаланилади.

Оила – Thymeliaceae - Келинсупургидошлар

Туркум – Diarthron Turcz. - Келинсупурги

Тур – D. vesiculosum (F. et M.) CAM. - Пуфакли келинсупурги

D. visiculosum CAM. – Пуфакли келинсупурги- келинсурургидошлар. Thymeliaceae оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Бўйи 25-50 см тик ўсувчи, пояга сершоҳ. Барглари косали пояга кетма кет жойлашган.

Гулқўрғони яшилроқ чангчилари 4-8 та май- июль ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адир, лалми экинлар ичида ўсади.

Оила – Rosaceae - Раъногулдошлар

Туркум – Rosa L. - Наъматак

Тур – R. canina L. - Итбурун наъматак

Раънодошлар оиласига 100 та туркумга мансуб 3000 дан ортиқ турларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда 11 туркумга оид 96 тури ўсади. Улар ер юзида жуда кенг тарқалган дарахт, бута лиана ва ўт ўсимликлардан иборат. Гуллари акциноморф, икки жинсли, айрим турларида зигоморф, чангчилари гулкоса, гултожибарглари тенг косача ва гултожи барглари 5 тадан бўлиб жойлашади. Уруғчиси кўп ёки битта. Мевалари турлича резавор сохта мева, баргак ёнғоқ.

R. canina L. - Итбурун наъматак. Бута ўсимлик бўлиб, бўйи 3 метргача. Тиканлари зич, қаттиқ учи бир оз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқлари оддий ёки икки карра ўткир

тишли, туксиз, косача барглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон, меваси қизил этли тухумсимон ялтироқ май-июл ойларида гуллаб, июл-октябрда мева беради. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмида дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғокзор, арчазорлар ўсади. (4 расм)

Туркум – *Potentilla* L. - Ғозпанжа

Тур – *P. asiatica* Juz.- Осиё ғозпанжаси

P. asiatica Juz. - Осиё ғозпанжаси кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 15-75 см, барглари панжасимон, 5-7 баргчали, баргчалари арра тишли. Гуллари поя ичидаги тўп гулда жойлашган. Сарик, диаметри 18-22 мм, тожбарглари косача баргларига нисбатан икки марта узун. Май-август ойларида гуллаб уруғ беради. Тоғ ён бағрларида, дарёлар бўйида, дарахт ва буталар соясида ўсади. Доривор ўсимлик.

Туркум – *Amygdalus* L. - Бодом

Тур – *A. communis* L. - Оддий бодом

Оддий бодом унча катта бўлмаган дарахт ёки бута бўйи 2-8 м ёш наводасининг пўстлоғи қизғиш жигар ранг эски наводалари тўқ кул ранг ёки деяри қора. Барг япроғи наштарсимон ёки қисқа эллипсимон. Меваси қалин тукли, узунлиги 15-25 мм, эни 12-16мм. Барглари қалами ёки наштарсимон, узунлиги 2-3 мм. Меваси бандли тухумсимон шаклда бўлади. Март апрельда гуллаб июль августда мева беради.

Оила – *Fabaceae* -Бурчокдошлар

Туркум – *Cleditschia* - Тикандарахт

Тур – *Cleditschia triacanthus* L.- Тикандарахт

Бурчокдошлар оиласи энг катта оилалардан бири бўлиб, 650 туркумга мансуб 18000 турни ўз ичига олади. Бу оила вақллари Ер шарининг ҳамма қуруқликларида учрайди. Ўзбекистонда 35 туркумга оид 422 тури ўсади.

Тикандарахт Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Бўйи 20, баъзан 40 м га етади. Пояси ва шохлари жуда каттик, қизил-жигар ранг. Гуллари майда, шинича тўплаган. Меваси тўқ қўнғир рангда, бироз эгилган, калин, ясси, кўп уруғли дуккак.

Май ўйида гуллайди, меваси октябр-ноябрда пишади. Манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум – *Alhagi Adans.* - Янтоқ

Тур – *A. psendaehagi Desf.* - Сохта янтоқ

A. psendaehagi Desf. - Сохта янтоқ.

Кўп йиллик ўт. Бўйи 50-110 см. Пастки тиканлари каттик, узунлиги 7-15 мм, йўғонлиги 1-1,5 мм, юқоридагиларнинг узунлиги 18-25 мм, йўғонлиги 0,5-1 мм. Май-сентябр ойларида гуллайди. Меваси август-октябр ойларида етилади. Чўл, адир ва тоғ зонасида тарқалган. Бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади.

Туркум- *Trifolium L.*- Себарга

Тур- *T. repens L.* - Ўрмаловчи себарга

Ўрмаловчи себарга. Кўп йиллик ўт. Бўйи 15-40 см. Пояси ўрмалаб ўсади, баргчаларининг учи ўйилган, асоси понасимон. Дарё ва ариқ бўйлари, тоғ ўтлоқлари ва суғориладиган майдонларда, боғ ва экинлар орасида ўсади.

Туркум- *Melilotus Mill.*- Қашқарбеда

Тур- *M. officinalis (L.) Pall.*- Сарик қашқарбеда

Сарик қашқарбеда икки йиллик ўт. Бўйи 20-100 см. Пояси тик ўсади, шохланган. Баргчалари тухумсимон ингичка, наштарсимон шаклгача, узунлиги 9-25 мм, эни 2-8 мм. Май-июл ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ зонасида ва воҳаларда, экинлар орасида, йўл, ариқ ва дарё бўйларида ўсади.

Оила – *Anacardiaceae* - Пистадошлар

Туркум – Pistacia - Писта

Тур – Pistacia vera L.- Хандонписта

Пистадошлар оиласининг 85 та туркумга мансуб 600 тури бўлиб, улар тропик ва субтропик ҳудудларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда оиланинг 2 та туркумга мансуб 2 та тури ўсади.

Хандон писта бўйи 5-7 м, барглари кўпинча 3 баргчали, баргчалари ялтироқ яшил. Элипсимон ёки думалоқ-тухумсимон, қисқа бандли. Чангчи гуллари 5-8 см, тигиз мураккаб ровак. Уруғли гуллари 5-10 см. Сийрак ровакда тўпланган. Меваси чўзиқ ланцетсимон, ингичка чизикча тухумсимон, кенг тухумсимон ва думалоқ. Март-май ойларида гуллаб, июл-сентябрда мева беради. Адир ва тоғ ён бағирларида ўсади.

Оила – Rhamnaceae - Чилонжийдадошлар

Туркум – Ziziphus - Чилонжийда

Тур – Ziziphus-jujuba - Жумрутнамо чилонжийда

Чилонжийдадошлар оиласига 60 туркумга оид 300 дан ортиқ тур киради, улар ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистонда 3 туркумга мансуб 6 тури ўсади. Булар бута ва паст бўйли дарахтлардан иборат.

Ўзбекистонда 3 туркумга мансуб 6 тури табиий ва 2 туркумга оид 2 та маданий тури ўсади. Улар доривор ва озиқ-ўвқат ўсимликлари сифатида қадрланади.

Чилонжийда бўйи 2-3 м гача етадиган дарахт. Барги чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали бўлиб, қисқа бандли билан шохларида кетма-кет жойлашган гуллари сариқ, майда, барг қўлтиғидан ўсиб чиқиб, ярим соябон гул тўпламини ҳосил қилади.

Абу Али Ибн Сино чилонжийда мевасини кўкрак оғриғи ўпка буйрак ва сийдик пуфағи касалликларини даволаш учун ишлатган.

Оила – Elaeagnaceae-Жийдадошлар

Туркум - Elaeagnus-Жийда

Тур – *E. angustifolia* L.-Ингичкабарг жийда

Бу оила 3 та туркумга мансуб 40 га яқин турни ўз ичига олади. Улар шимолий ярим шарнинг субтропик ва мўътадил иқлимли ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонда 2 тукумга оид 5 тури ўсади. 1 та тури Австралиягача боради. Улар бута ва дарахтлардан иборат.

Ингичкабарг жийда доривор ва истеъмол қилинадиган ўсимлик сифатида жуда қадрланади. Бўйи 3-8 м, барги оқ-кумуш ранг. Барглари наштарсимон ёки эллипсимон-наштар шаклида, узунлиги 3,5см, эни 7-18мм. Гуллари ҳидли, 4 бўлакли, 4 чангчили. Май ойида гуллаб сентябрь-октябрда меваси пишади. Тўқайларда ўсади.

Оила – Asteraceae- Қоқиўтдошлар

Туркум – *Inula* L.- Андиз

Тур – *J. grandis* Schrenk.- Сарик андиз

Қоқиўтдошлар оиласи энг катта оила бўлиб унга 13000 га яқин туркумга мансуб 25000 тур киради. Ўзбекистонда 121 туркумга оид 566 тур ўсади. Дарахт, бута ва лианалар ниҳоятда кам учрайди. Гуллари саватчаларда ўрнашган.

Сарик андиз кўп йиллик ўт. Бўйи 60-120 см. Илдиз бўғзидаги барглarning узанлиги 70 см, эни 20-30 см, кенг эллипсимон. Савтчасининг диаметри 2-3 см. Тилсимон гуллари тўқ сарик. Июль- август ойларида гуллаб уруғлайди. Сарик андиз илдизидан турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Майин тупроқли тоғ ёнбағирларида ўсади.

Оила – Asteraceae- Қоқиўтдошлар

Туркум – *Tussilago* L. – Оққалдирмоқ

Тур – *T. farfara* L. - Оддий оққалдирмоқ

Оддий оққалдирмоқ кўп йиллик илдиз пояли ўсимлик 5-25 см. Барглари думалоқ юраксимон, тишли усти туксиз, яшил, орқаси оқ, момик

тукли. Гуллари тилсимон, 16-18 мм, саватча марказидаги гуллари 12-13 мм. Ўсимлик гуллаб бўлгач, илдиз бўғзида барглар ҳосил қилади. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Ариқ ва дарё бўйлари, намли жойларда ўсади.

Туркум – *Centaurea* L. - Бутакўз

Тур – *C. sguarrosa* Willd.- Ёйиқ бутакўз

Ёйиқ бутакўз кўп йиллик ўт. Бўйи 20-60 см. Пояси бир нечта, қиррали. Барглари майда, яшил илдиз бўғзидаги барглар патсимон, қирқилган, бўлаклари қалами тикансимон ўрама баргчалар билан ўралган. Май-июл ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғда ўсади.

Оила – *Convolvulaceae*-Печакдошлар

Туркум – *Convolvulus* L.-Печак

Тур – *Convolvulus arvensis* L.- Дала печаги

Бу оилага 58га туркумга мансуб 1500 тур киради. Ўзбекистонда эса 4 туркумга оид 18 та тури ўсади. Мазкур оиланинг вакиллари бута, чала бута, ўт ўсимликлар бўлиб, баъзиларининг поялари ўралиб ўсади. Барглари оддий, бутун қиррали, баъзан ўйилган ёки патсимон қирқилган ва кетма кет жойлашган. Гуллари асосан якка ўрнашган, баъзан дихазий тўпгулини ташкил этган.

Гуллари икки жинсли, актиморф. Гулкоса барглари 5 та, эркин ёки бирикиб ўсган. Гултожибарглари 5 та бўлиб, варонкасимон бирикиб ўсган. Чангчиларига ҳам 5 та битта уруғчиси 2 та мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган, тугунчаси устки. Меваси кўсакча.

Дала печаги кўп йиллик ўт. Бўйи 40-100 см. Гуллари 1-2 тадан бўлиб барг кўлтиғидан чиққан гулбандга ўрнашган, оқ ёки оқиш пушти. Кўсакча кенг тухумсимон. Июнь-октябр ойларида гуллаб уруғлайди. Экинлар орасида ўсадиган бегона ўт.

Оила – *Plantaginaceae* - Зубтурумдошлар

Туркум – *Plantago L.*-Зубтурум

Тур – *P. major L.* - Йирикбарг зубтурум

Зубтурум оиласи 3 туркум, 300 тур киради. Ўзбекистонда 1 та туркумга мансуб 6 та тури ўсади. Бир ёки кўп йиллик ўтлардан иборат. Барглари оддий, кетма- кет баъзан қарама-қарши жойлашган. Гуллари оддий бошокда жойлашган, икки жинсли. Зубтурумлар асосан шамол воситасида чангланади.

Йирикбарг зубтурум. Кўп йиллик ўт. Бўйи 30-50см. Барглари 3-9 томирли, узунлиги 2-25см, эни 1,5-4 см. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Ариқ, йўл бўйлари, дарё, булоқлар бўйи, ботқоқликлар, боғ ва экинзорларда ўсади.

Оила – *Lamiaceae*-Ялпиздошлар

Туркум – *Ziziphora L.*- Кийикўт

Тур – *Z. tenuior L.*- Нафис кийикўти

Ялпиздошлар оиласига 200 туркум 3500 тур киради. Ўзбекистонда 38 туркумга оид 214 тури ўсади. Оила вакилларининг пояси 4 қиррали барглари оддий пояда қарама-қарши жойлашган гултожибарглари 2 лабли устки лаби 2 та осткиси 3 та гултожибаргдан иборат чангчилари 4та баъзан 2 та уруғчиси 2 та мевабаргли меваси ёнғоқча.

Нафис кийикўти. Бир йиллик ўт. Бўйи 5-30 см. Пояси оддий асос қисмидан шохланган. Май-август ойларида гуллаб, уруғлайди. Чўл, адир ва тоғ зоналарида учрайди. Эфир мойли ўсимлик.

Туркум – *Mentha L.*-Ялпиз

Тур – *Mentha asiatica L.*- Осиё ялпиз

Осиё ялпиз кўп йиллик ўт. Бўйи 60-100см. Пояси тик ўсади, шохланган. Барглари наштарсимон – чўзиқ. Июнь –Сентябрь ойларида гуллаб, уруғлайди. Нам ерлар, ариқ ва дарё бўйларида ўсадиган эфир мойли ўсимлик.

Оила – *Lamiaceae*-Ялпиздошлар

Туркум – *Origanum* L.- Тоғрайхон

Тур – *O. thyanthum* L.- Майдагул тоғрайхон

Майдагул тоғрайхон. Кўп йиллик. Бўйи 30-60см. Пояси бир нечта, тик ўсади. Тепа қисмидан шохланган. Барглари чўзиқ – тухумсимон, асоси кенг панасимон. Гуллари бошоқсимон чаласоябонларга тўпланган ва улар каллакчали тўпгул ҳосил қилади. Гултожиси оқ сиёҳ ранг. Июнь-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ён бағирларида ўсади.

Оила – *Рoaceae* - Буғдойдошлар

Туркум – *Dactylis* L.-Оқ сўхта

Тур – *D. glomerata* L.– Тиғиз оқсuxта

Буғдойдошлар оиласига 650 туркумга мансуб, 10.000 тур киради. Ўзбекистонда эса 87 туркумга кирувчи 252 тури учрайди, оилага жуда кўп турлар киради. Илдизи попуksимон. Поялари бўғимли, бўғим оралиғининг ичи бўш, барглари кетма – кет жойлашган. Гуллари икки жинсли, айрим турлари бир жинсли.

Тиғиз оқсuxта кўп йиллик ўт. Бўйи 50-150см. Барглари кенг, қаламли. Тоғ олди ва тоғли зоналарда нам ерларда, боғ ва ариқ бўйларида ўсади. Чорва моллари учун қимматли ем-хашак ўсимлик. Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди.

Туркум – *Agrostis* L. - Агростис

Тур – *A. gigantea* Roth. - Дев агростис

Дев агростис. Кўп йиллик ўт. Бўйи 30-100 см. Рўвага 7-30см, сийрак, ён шохчалари тўпгул ўқида 3-5 тадан жойлашади. Остки гул қипиқлари қилтиқсиз ёки майда мўрт қилтиқли. Илдиз – поясидан кўпаяди. Адир ва тоғ зўнасидаги сернам жойларда булоқлар атрофида ўсади. Июнь – август ойларида гуллаб уруғлайди.

II-БОБ. Шўрчи тумани Оқтумшуқ қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Шўрчи тумани Оқтумшуқ қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг ёруғда карбонат ангидрид ва сув шитирлашида органик моддалар ҳосил қилиш хусусияти-фотосинтез билан белгиланади. Яшил ўсимликлар ҳавони ердаги барча тирик мавжудодлар нафас олиш учун зарур бўлган кислород билан бойитади. Ўсимликлар ердан сув ва минерал тузлар ўзлаштиради. Улардаги элементлар ўсимликлар танасининг тузилишига сарфланадиган ва ҳайвонлар ҳамда одам учун озиқ бўлиб хизмат қиладиган органик бирикмалар таркибига киради.

Ўсимликлардан одам фақат озиқ сифатида фойдаланмайди, балки улар озиқ-овқат, тўқимачилк, қоғоз химия саноати ва бошқалар учун ҳом-ашё манбаи ҳисобланади. Ўсимликлардан фойдаланишган қараб улар доривор, озиқ-овқат, ем-хашак, манзарали, мевали, дуккакли, тамаки эфир мойли, ошловчи гуруппаларга бўлинади. Булар асосан маданий ўсимликлар ҳисобланса, лекин одам жуда кўп ёввойи ўсимликлардан ҳам фойдаланади.

Уларнинг ҳаётий формаларида (дарахтлар, буталар, кўп йиллик, бир йиллик, икки йиллик) ўсиш шароити ва кўпайиш усулларида намоён бўлади. Ер юзасининг ўсимликлар дунёси бой ва хилма-хил бўлиб 500 мингдан ортиқ тури бор.

Шулардан келиб чиқиб Оқтумшук кишлоғида тарқалган сарвдошлар, раънодошлар, ялпиздошлар, қоқиўтдошлар, зиркдошлар оиласига мансуб туркум турлари ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Бу туманда тарқалган ўсимликларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Сарвдошлар оиласига мансуб арча – *Juniperus*. Бу ўсимлик тўғрисида ривоятларда айтилишича кимда-ким арчанинг 7 ёки 10 дона мевасини эса ўшанча йил одамга кўз тегмас ва юқумли касалликлар билан оғримас эмиш. Арча умрбоқий ҳисобланади.

Бурчокдошлар оиласига ширинмия (*Glycyrrhiza*) халқ табobatiда қадимдан ишлатилиб келинади.

Ширинмия илдизидан тайёрланган дамламалар яллиғланиш, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва иштаха очувчи, одамни қувватга киргизадиган, остмага қарши восита сифатида ишлатилади.

Раънодошлар оиласига мансуб ўсимликлардан наъматак, дўлана, маймунжон каби ўсимликлар ҳам халқ табobatiда ҳам доривор, ҳамда манзарали ўсимлик сифатида жуда қадрланади.

Шунингдек зирадошлар оиласига мансуб зира, коврак, алқор турлари ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ўсимликлардир. Доривор сифатида ҳам ишлатилади.

IV-БОБ. Ўрганилган ўсимликларни мактабларда ботаника дарсларида қўллаш

Ўқувчиларга замон талаби даражасида таълим-тарбия бериш ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Ўқувчиларга билим беришда эса уларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжи, ижодий фикирлаши, мустақил билим олишга бўлган кўникмаси, интеллектуал салоҳияти, амалий ва назарий кўникмаларни ривожлантириш, ўқувчилар онгида экологик, миллий ғурур каби ғояларни шакллантириш устувор йўналишларидан биридир.

Мактаблар ва уларда фаолият кўрсатувчи ҳар бир ўқитувчи олдида турган асосий мақсади бу ўқувчиларга ДТС лар асосида билим бериш, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандларни тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир педагог иш фаолияти давомида ижодий изланиб бориш ҳамда турли усул ва методлардан фойдаланилган ҳолда ўқитиладиган машғулотларнинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Шу жумладан уммий ўтра мактабларнинг 5-6 синфларида ботаника фанини ўқишда дарсларни тўғри йўлга қўйиш, фанни мукамал ўргатишни тўғри режалаштириш асосий омил ҳисобланади. Биз ботаника дарсларидаги айрим

мавзулар мисолида ўсимликлар, шу жумладан, “Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш” мавзусида ўқувчилар билан мактаб тажриба майдонида, қишлоқ ва шаҳарлар, шаҳар туман марказидаги боғларда ўсаётган гулли ўсимликлар билан таништиришимиз лозим.

Энг аввало ўсимликларни илдиз, поя, навда, барг, гул, мева уруғлар билан таништириб, бу органларни бир биридан фарқ қилиши тушунтирилади. Шу билан бирга икки турдаги ўсимликларни бир биридан тафовути ўхшаш қисимлари ўргатилади.

Шунингдек гулли ўсимликларни турли экологик шароитларда ўсишга мослашувини ўргатишда, боғларни соя жойларида ўсаётган ўсимликлар, шунингдек, кулупнай, райхон, бинафша, қизғалдоқ каби ўсимликларни таққослаб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўтилган дарслар ўқувчиларга мукаммал билам беришга имкон беради.

Шу каби ишларни “Ўсимликларни ҳаётий шакиллар” мавзусида ҳам кўриш мумкин, бу мавзуда ҳам ўқувчиларни тажриба майдони ва боғларга ўзи яшаётган қишлоқ, туман атрофларида олиб бориб дарахт, бута, чала бута ва ўт ўсимликлар билан таништирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишда дарихт яъни терак, тол, заранг, ёнғоқ, тут ва бошқа ўсимликлар билан таништиришда юқори натижаларга эришилади. Шу билан бирга ўқувчиларга Ўзбекистонда кенг тарқалган фойдали ўсимликлар тўғрисида яъни, озиқ-овқат ўсимликлари: пиёз, тут, анжир, хурмо, ёнғоқ, лавлаги, исмалоқ, қорақат ва бошқалар. Манзарали ўсимликлар: тол, терак, чинор, заранг, софора, арғивон ва бошқалар. Ем-хашак бўладиган ўсимликлар: изен, беда, қашқарбеда, бурчоқ, янтоқ, печак ва бошқа доривор ўсимликлар билан таништириш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўсимликлар тўғрисида ботаника дарсларида маълумотлар бериш орқали ўқувчилар онгида бетакрор гўзал диёримизнинг наботот оламига нисбатан чексиз муҳаббат хиссини уйғотишимиз, уларга ўзимизнинг жонажон табиатимизни кўз қорачиғидек асраб авайлайдиган баркамол инсон қилиб, тарбиялашимиз зарур.

Хулосалар

1. Шўрчи тумани Оқ тумшук атрофида йиғилган ўсимликларни аниқлаш ҳамда мавжуд адабиётларни таҳлил этиш натижасида 26 оила, 42 туркум, 44 тур ўсимлик борлиги аниқланди.
2. Аниқланган ўсимликлар ҳаётий шаклларга ажратилди. Улардан дарахт 13 та, бута 5 та, бир йиллик 7 та, кўп йиллик 18 та, икки йиллик 1 та эканлиги аниқланди.
3. Ўрганилган ўсимликлар фойдаланиш томонидан 10 та манзарали, 13 та доривор, 8 та озиқ-овқат, 13 та ем-хашак ўсимликлар эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахунов Х.М. Определитель деревьев и кустарников горных районов Узбекистана. Ташкент. 1990. – 87 б.
2. Буригин В.А, Жонгуров Ф.Х. Ботаника. Ташкент. 1997. – 351 б.
3. Буш Н.А. Систематика высших растений. Москва. 1959. – С 534.
4. Бавтуто Г.А., Еремина В.М., Жигар М.П. Атлас по анатомии растений. Минск, “Ураджай”. 2001. –С 146.
5. Жуковский П.М. Ботаника. Изд. «Высшая школа». Москва, 1982. – С 667.
6. Еленевский А.Г, Соловьева М.П, Тихомиров В.Н. Ботаника Систематика высших, или наземных растений. Москва. 2001. – С 429.
7. Зокиров Қ.З., Жамолхонов Х.А. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. Тошкент. 1996. - 43 б.
8. Зокиров Қ.З., Набиев М.М., Пратов Ў.П., Жамолхонов Х.А. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент. 1963. - 153 б.
9. Зоҳидов Ҳ. Шифо ҳазинаси. Тошкент. 2000. - 176 б.
10. Курсанов Л. И, Комарницкий Н. А, Мейер К. И, Раздорский Ф. А, Уранов А. А. Ботаника. - 2 том. Тошкент. 1963. - 513 б.

11. Махмудов А., Тоғаев И. Юксак ўсимликлар бўйича амалий машғулотлар.
- Тошкент. «Университет». 1994. - 85 б.
12. Набиев М. М. Ботаника атлас лугати. Тошкент. 1969. - 253 б.
13. Набиев М. Сабзавот резавор мевалар, зираворлар хосияти. Тошкент.
1990. - 160 б.
14. Определитель растений Средней Азии. Т. II, Тошкент. 1971. - 362 с.
15. Определитель растений Средней Азии. Т. VI, Тошкент. 1993. - 692 с.
17. Определитель растений Средней Азии. Т. VII, Тошкент. 1983. - 414 с.
18. Пратов Ў.П., Набиев.М.М. Ўзбекистон юксак ўсимликларининг
замонавий тизими. Тошкент. 2007. - 62 б.
19. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи.
Тошкент. 1987. - 327 б.
19. Ҳамидов П., Шукруллаев Е., Тарасова Ю., Қурбонов А., Умрзоқов.
Ботаника асослари. Тошкент. 1990. - 318 б.
20. Яковлев Г. П. Ботаника. Москва. 2001. – С 647 с.